

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академик С. Юнусов номидаги
Ўсимлик моддалари кимёси институти**

ЎзР ФА академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти синов лабораториясида ГОСТ ISO IEC17025-2019 талабларига мувофик усуллар верификацияси ва валидациясини танлаш хизмати бўйича

ХАРИД ХУЖЖАТЛАРИ

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА:

1.	Преамбула.....	3
2.	Умумий қоидалар.....	3
3.	Электрон танловларда иштирок этиш учун Электрон тизимда рўйхатдан ўтиш.....	4
4.	Харид хужжатлари талабарини тушунтириш шартлари.....	5
5.	Харид хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби ва муддатлари	5
6.	Электрон танловда иштирок этиш учун аризалар тақдим этиш.....	5
7.	Танловда иштирок этиш учун ариза мазмуни.....	6
8.	Аризани тузиш ва тақдим этиш тили бўйича талаблар	6
9.	Техник-тижорат тақлифи мазмунига нисбатан талаблар.....	6
10.	Аризани кайтариб олиш	7
11.	Аризаларни очиш	7
12.	Танловлар якуни	8
13.	Шартнома тузиш тартиби	8
14.	Хужжатларга иловалар.....	9

1. Преамбула

- 1.1. Буюртмачи: ЎР ФА академик С. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти
- 1.2. Буюртмачи манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77
- 1.3. Буюртмачи реквизитлари: ИНН 200540541, ОКЭД 72190, МФО 00014
- 1.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети: ЎЗР ФА академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти синов лабораторияси (кейинчалик матн давомида Синов лабораторияси) ГОСТ ISO IEC17025-2019 талабларига мувофиқ усусларни танлаш, верификация ва валидация килиш.
- 1.5. Бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар тавсифи, ҳажми ҳамда уларга нисбатан қўйиладиган техник ва сифат талаблари **Техник топшириқда** кўрсатилган (ушбу Хужжатларга 1-илова).
- 1.6. Хариднинг энг юкори қиймати: 81000000 сўм.
- 1.7. Молиялаштириш манбааси: бюджетдан ташқари маблағлар.
- 1.8. Тўлов валютаси: сўм
 - Танловда иштирок этувчи маҳаллий қатнашчилар учун – ўзбек сўми (UZS);
- 1.9. Тўлов шартлари ва бошқа мухим шартлар ушбу Хужжатларга илова килинаётган шартнома лойиҳасида кўрсатилган (ушбу Хужжатларга 2-илова).
- 1.10. Энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали Ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) муддати: 30 иш кунидан 60 иш кунигача.

2. Умумий қондалар

- 2.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш учун ишлаб чиқилган ушбу Харид хужжатлари Буюртмачи томонидан энг яхши таклифларни электрон шаклда танлаб олиш орқали харидларни амалга ошириш тартибини белгилайди.
- 2.2. Ушбу Харид хужжатларида куйидаги асосий тушунчалар кўлланилган:

Бўнак пули (аванс) тўлови – Буюртмачи ва харид тадбирлари Иштирокчиси томонидан конунчиликда белгиланган тартибда тўланадиган маблағлар миқдори, ушбу маблағлар Операторнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган комиссия йиғимини ўз ичига олади;

харидлар тўғрисида шартнома – мавжуд конунчиликка мувофиқ Буюртмачи ва Етказиб берувчи ўртасида тузилган фукаройи-хукукий шартнома;

харидлар – ушбу Харид хужжатлари преамбуласида кўрсатилган ишлар ва хизматларни Буюртмачи томонидан харид килиниши;

энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича харид хужжатлари – танлов Иштирокчиси томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун Ариза тайёрлаш учун тақдим этиладиган, харидларни ўтказиш шартлари ва тартибини ўз ичига оловчи хужжатлар тўплами;

харид комиссияси – харид тадбирлари, харид тадбирларининг якуни, харид танловлари ғолибини аниқлаш (харид танловлари ракобатчилик услубида ўтказилган ҳолларда Баҳолаш гурӯҳи тавсияларини инобатга олган ҳолда) ва шартнома тузиш хукукини тақдим этиш тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш мақсадида шакллантириладиган коллегиал орган;

Харид комиссияси ва/ёки Баҳолаш гурухи аъзоси манфаатлари тўқнашуви – Харид комиссияси ва/ёки Баҳолаш гурухи аъзосининг шахсий манфаатлари унинг Харид комиссияси томонидан карорлар кабул қилиниши жараёнида холис иштирок этишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият;

давлат харидлари электрон тизими оператори (келгусида матн бўйича – Оператор) – давлат харидлари субъектларига давлат харидлари электрон тизимидаги тадбирларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тайинланадиган маҳсус ваколатли юридик шахс;

баҳолаш гурухи – танлов Иштирокчisinинг таклифлари Харид хужжатлари талабларига мослигини аниқлаш ва уларни баҳолаш бўйича тавсиялар тайёрлаш учун жалб этиш мақсадида Харид комиссияси томонидан тузиладиган коллегial орган;

шахсий кабинет – давлат харидлари субъектларининг электрон давлат харидларида иштирокини таъминлаш, шунингдек зарур ахборотларни жойлаштириш ёки олиш учун мўлжалланган, маҳсус ахборот порталидаги шахсий сахифа;

етказиб берувчи – танлов якунларига кўра ғолиб деб эълон қилинган ва у билан харид тўғрисида шартнома тузилган иштирокчи;

хисоб-клиринг палатаси (келгусида матн бўйича – ҲКП) – Операторнинг шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятига эга бўлган иштирокчиларга уларнинг бўнак пули (аванс) тўловини депонентлаш ва рўйхатга олиш орқали электрон харидларда иштирокини таъминловчи таркибий бўлинмаси;

иншлар – хақиқий (моддий) натижага эга бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқ иншлар таркибига кирувчи бошка турдаги фаолият;

хизматлар – Буюртмачининг эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган, моддий натижага эга бўлмаган фаолият;

танлов иштирокчи – харидларни бажариш учун номзод сифатида харид тадбирларида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти;

давлат харидлари электрон тизими (келгусида матн бўйича – Электрон тизим) – электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлиги, харид тадбирлари ўтказилишини таъминловчи ташкилий, ахборот ва техник қарорлар мажмуи;

электрон давлат хариди – давлат харидлари субъектлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

3. Электрон танловларда иштирок этиши учун Электрон тизимда рўйхатдан ўтиш

- 3.1. Электрон танловларда иштирок этиши учун Иштирокчи порталда Иштирокчининг анкета-аризасини электрон шаклда тўлдириш (клиент тури, шахсий ахборот, контакт маълумотлари) орқали <https://xt-xarid.uz/> сайтида рўйхатдан ўтади.
- 3.2. Куйидаги мезъонлар талабларига мос бўлган Иштирокчиларга электрон савдоларда иштирок этишига рухсат берилади:
 - шартнома тузиш учун хукукий ҳақлилиги;
 - соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорлиги мавжуд эмаслиги;
 - уларга нисбатан банкротлик холати кўлланилмаётганлиги;
 - виждонсиз ижочилар Ягона реестрида улар тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги.

Иштирокчи анкета-аризада унга нисбатан банкротлик холати кўлланилмаганлиги, шунингдек соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан анкета-ариза тўлдирилгандан сўнг Электрон тизим орқали виждонсиз ижрочилар Ягона реестрида Иштирокчи тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги текширилади.

- 3.3. Рўйхатдан ўтиш жараёни якунлангач Иштирокчи учун ҲҚПда хисоб раками очилади. Иштирокчилар ҲҚПда улар учун очилган хисоб рақамига бўнак пули (аванс) тўловларини амалга оширганларидан сўнгтина электрон танловларда иштирок этишлари мумкин бўлади.
- 3.4. Буюртмачи ва Иштирокчилар электрон танловларда рақамли электрон имзоларидан (келгусида матн бўйича – РЭИ) фойдаланган холда иштирок этадилар. Буюртмачи ва Иштирокчилар томонидан РЭИдан фойдаланиш холати Электрон тизимда тузилган шартномани хақиқий деб тан олиниши учун асос бўлади.

Норезидент Иштирокчилар томонидан РЭИ олиш имконияти мавжуд бўлмаган холларда, бундай Иштирокчилар Операторга уларни Электрон тизимда рўйхатдан ўтказиш ва электрон танловларда РЕИдан фойдаланмаган холда иштирок этиш тўғрисида мурожаат қиласидилар.

Электрон тизим автоматик тарзда қуидагиларни амалга оширади:

- киритилган бўнак пули (аванс) тўловига мувофик хар бир лот бўйича электрон харидларда иштирок этиш имкониятини;
- электрон харидларни ўтказишни;
- электрон харидлар натижаларига кўра ижрочини аниқлашни;
- битимни рўйхатга олишни.

4. Харид хужжатлари талабларини тушунтириш шартлари

- 4.1. Электрон танлов Иштирокчиси Буюртмачига очик электрон чат орқали танлов бўйича таклифлар тақдим этиш якуний санасига икки иш куни қолган муддатгача Харид хужжатлари талабларини тушунтиришни сўраб сўровнома юбориш хукуқига эга. Ушбу сўровнома Буюртмачи манзилига танлов бўйича таклифлар тақдим этиш якуний санасига икки иш куни қолган муддатгача келиб тушган тақдирда, сўровнома келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида Буюртмачи очик электрон чат орқали Харид хужжатлари талаблари бўйича тушунтириш бериши лозим.

5. Харид хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби ва муддатлари

- 5.1. Харид хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар Буюртмачи томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган харидларда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этиш санасига 1 (бир) иш куни қолган муддатдан кеч бўлмаган муддатгача киритилади. Бунда, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган харидларда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этиш муддати 3 (уч) иш кунидан кам бўлмаган муддатга узайтирилади. Харид хужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда харидларда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этишнинг ўзгартирилган муддати танлов Иштирокчиларига юборилади.

6. Электрон танловда иштирок этиш учун аризалар тақдим этиш

- 6.1. Танлов Иштирокчиси танлов шартлари билан батафсил танишиб чиққанидан сўнг, тизимдаги ўз шахсий кабинети орқали танловда иштирок этиш учун Ариза топширади, зарур ахборотларни тўлдиради ва тасдиқловчи хужжатларни файл шаклида “Умумий маълумотлар” сахифасида ҳамда “Махсулотлар ва хизматлар”, “Талаблар” бўлимларида, намуналарга (шаблонларга) мувофик, юклайди.
- 6.2. Иштирокчи томонидан Электрон тизимнинг барча майдонлари тўлдирилган бўлиши, у томонидан бириктирилган файллар эса унинг таклифларида кўрсатилган маълумотларга мос бўлиши лозим.

- 6.3. Иштирокчилар таклифлар билан биргаликда файл кўринишида эскизлар, расмлар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни хам жойлаштиришлари мумкин.
- 6.4. Электрон тизим Иштирокчи томонидан таклиф этилган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлиги, электрон майдонларнинг тўлдирилганлиги ва бириктирилган файллар мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юкори бўлган, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлган ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаган холларда, тизим Иштирокчининг таклифини, рад этиш сабабларини кўрсатган холда, рад этади.
- 6.5. Чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат ва вактда Электрон тизим томонидан таклифларни қабул килиш тўхтатилади.
- 6.6. Иштирокчининг энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган харидларда иштирок этиши билан боғлиқ барча харажатлар танлов Иштирокчиси томонидан амалга оширилади. Харидлар кандай якун топишидан катъи назар, Буюртмачи (Харид комиссияси) ушбу харажатларни коплаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди.
- 6.7. **Танлов Иштирокчиси битта харид учун фақат битта ариза бериши мумкин.** Иштирокчи томонидан битта харид учун биттадан кўп бўлган ариза тақдим этилган холларда, унинг иштирокидаги барча аризалар рад этилади.

7. Танловда иштирок этиши учун ариза мазмуни

- 7.1. Ариза ушбу Харид хужжатларининг 2-иловадаги техник-тижорат шаклига хамда 3- иловадаги тўлдириш зарур бўлган шаклларни ўз ичига олган бўлиши лозим.
- 7.2. Ариза таркибида нотўғри маълумотлар келтирилганлиги учун танлов Иштирокчиси жавоб беради.

8. Аризани тузиш ва тақдим этиши тили бўйича талаблар

- 8.1. Ариза давлат тилида ижро этилади, танлов Иштирокчисида Аризани давлат тилида ижро этиши имкони мавжуд бўлмаган холларда, Ариза рус тилида ёзилиши мумкин. Ариза таркибида бошқа тилларда ифодаланган хужжатлар хам бўлган холларда, ушбу хужжатларга уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги аник таржимаси илова килинган бўлиши лозим.

9. Техник-тижорат таклифи мазмунига нисбатан талаблар

- 9.1. Техник-тижорат таклифи Иштирокчи томонидан кўйидаги барча мажбурий реквизитларни кўрсатган холда тақдим этилиши лозим:

- компаниянинг номланиши;
- юридик манзили;
- СТИР;
- банк реквизитлари;
- контакт маълумотлари;
- раҳбар имзоси, корхона мухри.

Таклифнинг техник кисми қўйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

- ишларни бажариш, кўрсатиладиган хизматларни амалга ошириш тартибини;
- Иштирокчи томонидан жалб этиладиган персоналнинг малака даражаси ва тажрибаси тўғрисида маълумотларни;
- бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларга нисбатан тадбиқ этиладиган стандартларни (ГОСТ, ТУ, ISO ва хоказо);
- кафолат мажбуриятларини.

Таклифнинг тижорат кисмida:

- бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг умумий нархи;
 - тўлов шартлари;
 - ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиши муддатлари кўрсатилган бўлиши лозим.
- 9.2. Танлов Иштирокчисининг таклифи Харид хужжатлари преамбуласида кўрсатилган валютада ифодаланган бўлиши лозим. Нархлар бўйича таклифларни таққослашда Иштирокчилар томонидан тақдим этилаётган таклифларни кабул килиш муддати якунланган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган валюта айирбошлиш курси тадбик этилади.

10. Аризани қайтариб олиш

- 10.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танловда иштирок этиш учун аризаларни тақдим этишнинг охирги муддати якунлангандан сўнг аризаларни қайтариб олишга йўл кўйилмайди.

11. Аризаларни очиш

- 11.1. Харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда Электрон тизим Комиссия котиби Иштирокчилар томонидан жойлаштирилган Аризалар ва электрон хужжатлар билан танишишга автоматик равишда рухсат беради.
- 11.2. Харид комиссияси котиби томонидан биринчирилган файллардаги маълумотларнинг Иштирокчи Аризасида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги текширилади.

12. Аризаларни кўриб чиқиши, баҳолаш ва таққослаш тартиби

- 12.1. Харид комиссияси томонидан очилган электрон конвертлардаги аризаларнинг ушбу Харид хужжатларининг 7.1 банди талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилади.
- 12.2. Аризаларни баҳолаш аризаларни тақдим этиш муддати якунидан 10 (үн) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.
- 12.3. Аризаларни кўриб чиқиши жараёнида Харид комиссияси қўйидаги хукукларга эга бўлади:
- танлов Иштирокчиларида аризаларни кўриб чиқиши, баҳолаш ва таққослаш учун зарур бўлган материаллар ва тушунтиришлар талаб килиб олишга;
 - аризаларда кўрсатилган маълумотларга аниқликлар киритиш мақсадида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотларни сўраб олишга.

- 12.4. Харид комиссияси қўйидаги холларда Аризани рад этиш хукукига эга:

- Аризада предметининг Харид хужжатларида кўрсатилган харид предметига мувофиқ бўлмаган, шу жумладан етказиб берилаётган хизматлар ҳажми мос бўлмаган холларда;
- танлов Иштирокчисининг техник-тижорат таклифи Буюртмачининг танлов меъзонларига мувофиқ бўлмаган холларда;
- танлов Иштирокчиси томонидан шартнома лойиҳасига Буюртмачи қарши бўлган ўзгартиришлар киритиш таклифи билдирилган холларда;
- танлов Иштирокчиси томонидан тақдим этилган Аризада нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган холларда;
- танлов Иштирокчиси Харид хужжатларида танлов Иштирокчиларига нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган холларда;
- бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар Харид хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган холларда;
- Иштирокчи имтиёзли солик режими ва/ёки молиявий операцияларни ўтказиша маълумотларни очиқлаш ва тақдим этиш имкони кўзда тутилмаган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) рўйхатдан ўтган, шунингдек оффшор худудларда

(Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 12 октябрда 2467-3-рақами билан рўйхатдан ўтказилган Рўйхатга мувофиқ) жойлашган банкларда хисоб рақамларига эга бўлган ҳолларда;

- Иштирокчи томонидан соғлом ракобатга қарши харакатлар олиб борилаётгани ёки танлов Иштирокчиси хамда Буюртмачи ва/ёки у билан аффилланган шахслар ўртасида манфаатлар тўкнашуви ҳолатлари мавжудлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлган ҳолларда;
- танловда таъсисчилари битта юридик ёки жисмоний шахс бўлган икки ва ундан кўп компаниялар иштирок этган ҳолларда;
- битта харид учун биттадан кўп ариза тақдим этилган ҳолларда;
- қайта ташкиллаштириш, йўқ килиш ёки банкрот ҳолатида бўлган Иштирокчи танловда иштирок этган ҳолларда;
- энг яхши таклифларни танлаб олиш учун зарур хужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаган ҳолларда;
- танлов Иштирокчиси томонидан Ўсимлик моддалари кимёси институти билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган ҳолларда;
- танловда Ўсимлик моддалари кимёси институти билан суд низолари ҳолатида бўлган Иштирокчи иштирок этаётган ҳолларда;
- танловда ноинсоф етказиб берувчилар Ягона реестрида рўйхатда бўлган Иштирокчи иштирок этаётган ҳолларда.

12.5. Иштирокчи томонидан тақдим этилган таклифлар номувофиқлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинишига асос бўлган сабабларни кўрсатган ҳолда, ушбу қарор қабул қилинган куннинг ўзида Иштирокчининг шахсий кабинетида акс эттирилади.

13. Танловлар якуни

- 13.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш танлови якуnlари Харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.
- 13.2. Харид комиссияси харидларда иштирок этиш учун тақдим этилган аризаларни тасдиқланган баҳолаш меъzonларига (5-илова) катъий мувофик равишда баҳолайди.
- 13.3. Харид комиссияси томонидан танлов бўйича Харид хужжатларида кўрсатилган талабларга мувофик бўлган иштирокчилар томонидан тақдим этилган иккитадан кам бўлмаган таклифлар танлаб олинганда энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танлов ўтказилди деб тан олинади.
- 13.4. Баённома расмийлаштирилган куннинг ўзида давлат харидлари электрон порталида чоп этилади, танлов якуnlари бўйича даъволар келиб тушмаган тақдирда, 2 (икки) иш куни мобайнида танлов ғолибига унинг аризаси энг яхши таклифларни танлаб олиш танловида ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги хабар юборилади.

14. Шартнома тузиш тартиби

- 14.1. Ўтказилган электрон танлов якуnlарига кўра Харид хужжатларида кўрсатилган шартнома лойиҳаси 5-иловага мувофик, танлов ғолиби томонидан тақлиф этилган нарх кўрсатилган ҳолда шартнома тузилади.
- 14.2. Харидлар тўғрисидаги шартнома харидлар якуни бўйича расмийлаштирилган баённомада кўрсатилган муддатларда, лекин ушбу баённома имзоланган санадан 10 (ўн) календарь кунидан кўп бўлмаган муддатда тузилади.
- 14.3. Шартнома лойиҳасига шартноманинг асосий шартлари ўзгаришига олиб келувчи, хусусан шартнома предмети, ишлар, хизматлар хажми, сифати, нархлари, уларни бажариш муддатлари ва тўловларни амалга ошириш тартиби билан боғлик,

Ўзгартиришлар киритилишига йўл кўйилмайди. Томонларнинг бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар спецификаси билан боғлиқ хуқук ва мажбуриятлари шартномага алоҳида иловада мувофикалаштирилиши мумкин.

15. Хужжатларга иловалар

15.1. Харид хужжатларига барча иловалар хужжатларнинг таркибий ва ажралмас қисми хисобланади. Харид хужжатларининг бошқа шартларини инобатта олмаган ҳолда иловаларда баён этилган шартларни қўллаш ва/ёки уларни талқин қилишга йўл кўйилмайди.

1-и洛ва – Техник топширик.

2-и洛ва – Техник таклифининг намунавий шакли.

3-и洛ва – Тақдим этилиши мажбурий бўлган шакллар ва хужжатлар.


4-и洛ва – Шартнома лойиҳаси

5-и洛ва – Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш мезонлари.

Келишилган:

Комиссия роиси:

Сратегик ишланмаларни ишлаб чикини
ва тадбик этиш бўйича директор ўринбосари



Н.Д. Абдуллаев

Комиссия роисининг ўринбосари:

Ишлаб чикариш ва илмий технологияларни
тадбик этиш бўйича директор ўринбосари



И.Б. Пайзиев


Комиссия аъзолари:

Бош иқтисодчи



М.М.Акрамова

Юрисконсульт



Н.З.Курбанова

Тадқиқотларнинг физиковий услублари
лабораторияси, катта илмий ходими



Р.Я. Оқманов

ИРМБ бошлиғи, Харид комиссияси котиби
 71-262-73-48



Г.А. Аббасова

Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича

Харид хужжатларига

2-илюва

ИШТИРОКЧИННИГ РАСМИЙ БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

(ишлар/хизматлар номланиши кўрсатилсин) **етказиб бериш бўйича**
ТЕХНИК ТАКЛИФ

Танлов Иштирокчининг номланиши: _____

Хакикий манзили: _____

Солик тўловчининг идентификацион раками: _____

Электрон почта: _____

Контакт раками: _____

Харид хужжатларини ўрганиб чиккан холда, қуидаги шартлар асосида ишларни бажариш/хизматлар кўрсатишни таклиф этамиз:

- барча майдонлар тўлдирилиши шарт

Ишлар/хизматлар номланиши	
Ишлар/хизматлар ҳажми	
Ишларни бажариш/хизматлар кўрсатиш муддатлари	
Ишларни бажариш/хизматлар кўрсатиш жойи	
Тақдим этиладиган кафолатлар ҳажми ва/ёки муддатлари	
Тўлов шартлари ¹	
Харид предмети бўйича, техник топширикка мувофик бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг тўлиқ ҳажмини ўз ичига олган, ишларни бажариш/хизматлар кўрсатиш тадбирларининг батафсил техник баёни	

¹Харид хужжатларига мувофик;

Рахбарнинг Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш
бўйича
Харид хужжатларига
З-илова

Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича
танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши мажбурий бўлган
шакллар ва хужжатлар
РЎЙХАТИ

- a) Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танловда иштирок этиш учун ариза (3-илованинг 1-шакли).
- b) Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (кайта ўтказилганлиги) тўғрисида гувоҳнома ёки маълумотнома.
- c) Танлов Иштирокчисининг коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисидаги аризаси (2-шакл).
- d) Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар (3-шакл)
- e) Худди шундай ишларни бажариш/хизматлар кўрсатиш бўйича тажриба тўғрисида маълумотлар (4-шакл)

ИШТИРОКЧИННИГ РАСМИЙ БЛАНКИДА

№: _____
 Сана: _____

**ЎР ФА ЎМКИ
 Харид комиссиясига**

**Энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан
 ўтказиладиган харидларда иштирок этиш учун
 АРИЗА**

Танлов Иштирокчисининг номланиши энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган харидларда иштирок этиш учун тақдим этилаётган ушбу Ариза (келгусида матн бўйича – Ариза) орқали **харид предметининг номланиши** энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган харидларда танлов Иштирокчиси сифатида иштирок этиш учун ўз розилигини ва юқорида кайд этилган харид бўйича ишлаб чиқилган Харид хужжатларида кўзда тутилган талаблар ва шартларга мувофик ишларни бажариш/хизматлар кўрсатишга тайёр эканлигини билдиради.

Танлов Иштирокчиси Харид хужжатлари билан танишиб чиқканлиги ва Буюртмачига ўзининг хукукий холати, малака даражаси, ишлар/хизматлар сифати ва бошқа тавсифлари бўйича нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги, у муаллифлик ва қўшимча хукукларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган бошқа чекловларга риоя этиши лозимлиги бўйича жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида хабари борлигини тасдиқлади.

Танлов Иштирокчиси энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан ўтказиладиган харидларда иштирок этиш учун тақдим этилаётган ушбу Ариза ва унга илова қилинаётган бошқа хужжатларда нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Илова қилинаётган хужжатлар рўйхати:

т/р	Буюртмачи томонидан сўралган хужжатлар	Танлов Иштирокчисининг тасдиқловчи хужжатлари	Вараклар сони

Ушбу Ариза у тақдим этилган санадан бошлаб **60 (олтмии)** календарь куни мобайнида амал қиласи.

Харидлар тўғрисида шартнома тузилгунга қадар ушбу Ариза ва ушбу Ариза ғолиб деб тан олинганлиги тўғрисидаги Сизнинг хабарномангиз бизнинг ўртамизда бажарилиши мажбур бўлган шартнома вазифасини ўтайди.

Тўлдирилган сана: _____

Рахбарнинг Ф.И.О. ва имзоси М.Ў.

ИШТИРОКЧИНИНГ РАСМИЙ БЛАНКИДА

№: _____
 Санас: _____

**ЎР ФА ЎМКИ
 Харид комиссиясига**

**Коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисидаги
 АРИЗА**

Биз ушбу оркали шуни таъкидлаймиз ва ўз зиммамизга шундай мажбуриятни оламизки, биз, биздан ташқари, шу жумладан бизнинг назоратимизда бўлган ташкилотлар ва аффилланган тузилмалардаги, бизнинг номимиздан тегишли ваколатларга эга бўлган ҳолда ёки бизнинг рухсатимиз ёхуд розилигимиз билан фаолият юритувчи, ёки биз томонимиздан жалб этилган бизнинг директорларимиз, ходимларимиз, агентларимиз, консорциум бўйича хамкорларимиз, шунингдек пудратчиларимиз, етказиб берувчиларимиз, кўшимча маслаҳатчиларимиз, шундайлар мавжуд бўлган ҳолда, ЎР ФА ЎМКИда ўтказилаётган танлов билан боғлиқ ёки ЎР ФА ЎМКИ билан тузилган шартномалар асосида ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки маҳсулотлар етказиб бериш пайтида кўйида кўрсатилган Тақиқланган харакатларга жалб этилмаган ва жалб этилмайди. Биз ўз зиммамизга ташкилотимиздаги ушбу Аризанинг бажарилишини таъминлаш учун масъул бўлган хар қандай шахсга маълум бўлган бундай Тақиқланган харакатлар билан боғлиқ хар қандай холат тўғрисида сизни хабардор қилиш мажбуриятини оламиз.

Биз қуидаги Тақиқланган ҳаракатларга йўл қўймаслигимизни таъкидлаймиз ва бу хакида ўз зиммамизга мажбурият оламиз:

- 1) Мажбураш: бир томоннинг харакатларига нотуғри таъсир кўрсатиш максадида бирон бир томон ёки унинг мулкига бевосита ёки билвосита зарар етказиш ёки таҳдид килиш;
- 2) Тил бириктириш: икки ёки ундан ортиқ томонларнинг номақбул мақсадларга эришиш, шу жумладан бошқа томоннинг харакатларига нотуғри таъсир кўрсатиш учун келишуви;
- 3) Коррупция: бошқа томоннинг харакатларига нотуғри таъсир кўрсатиш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита кимматли нарсаларни таклиф қилиш, бериш, олиш ёки сўраш;
- 4) Фирибгарлик - молиявий ёки бошқа манфаатлар учун ёки мажбуриятларни бажаришдан қочиш учун томонни била туриб чалғитувчи ёки чалғитишга уриниш, шу жумладан фактларни нотуғри кўрсатиш ёки нотуғри маълумот бериш;
- 5) ЎМКИ маблағларидан нотуғри фойдаланиш, касдан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилган;
- 6) Ўғирлик: бошқа шахсга тегишли бўлган мулкни ўзлаштириш

Рахбарнинг Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар

Уибу орқали ва қўйидаги имзоси билан энг яхши тақлифларни танлаб олии бўйича танлов Иштирокчиси:

1) Танлов Иштирокчиси ва Буюртмачи¹, Буюртмачи ишчилари ва танлов Иштирокчиси ишчилари, танловнинг бир Иштирокчиси ишчилари ва танловнинг бошقا Иштирокчиси ишчилари ўртасида манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи вазиятлар, Буюртмачи ишчилари ва Буюртмачи билан ўзаро муносабатда бўлган шахслар, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ёки давлат органлари ва танлов Иштирокчиси ўртасида манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини;

2) юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувига нисбатан:

- харидларда танлов Иштирокчиси учун у билан иш муносабатларини ушлаб туриш манфаатли бўлган учинчи шахс билан молиявий манфаатлари, ёки ушбу шахс томонидан танлов Иштирокчисига Буюртмачи манфаатларига заарар етазган холда имкониятлар тақдим этиш ҳолатлари;

- танлов Иштирокчиси раҳбари, ҳамкори ва танлов Иштирокчисининг ҳар кандай бошқа ишчисининг Буюртмачи билан меҳнат муносабатлари (ёндошлиқ асосида, фукаройи-хукукий шартнома асосида ишлаш ва ҳоказо);

- танлов Иштирокчисининг параллел манфаатлар тўқнашуви юзага келтириши ёки шунга олиб келиши мумкин бўлган вакиллиги (танлов Иштирокчисининг ҳозирги кундаги мавжуд мижози вакиллиги Буюртмачи манфаатларига мос бўлмаган ёки танлов Иштирокчисининг ҳозирги кундаги мавжуд бир ёки ундан кўп мижози вакиллиги танлов Иштирокчисининг Буюртмачи олдида мажбуриятлари бузилиши хавфи юзага келиши мумкин бўлган холларда параллел манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин);

- Буюртмачи ишчиси томонидан шахсан қабул килиниши лозим бўлган ёки Буюртмачи ишчиси қабул килинишида иштирок этиши лозим бўлган қарорда ёхуд Буюртмачи ишчиси харидлар доирасида ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши жараёнида амалга ошириши лозим бўлган харакатларда ўзининг ёки Буюртмачи/танлов Иштирокчиси билан боғлик шахсларнинг ҳар кандай кўринишдаги манфаатлари;

- Буюртмачи ишчисининг танлов Иштирокчиси билан меҳнат ва бошқа муносабатлари, шунингдек танлов Иштирокчисидан харид бўйича моддий манфаат, фойда ёхуд афзаллик олганлиги ёки олиш нияти борлиги;

- Буюртмачи ишчиси билан боғлик бўлган шахсларнинг танлов Иштирокчиси билан муносабатлари, шунингдек танлов Иштирокчисидан моддий манфаат, фойда ёхуд афзаллик олганлиги ёки олиш нияти борлиги;

- танлов Иштирокчисига маълум бўлган бошқа тўқнашувли вазиятлар мавжуд эмаслигини.

Изоҳ: (зарурат бўлганда) манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи вазиятлар мавжуд эмаслиги тўғрисида қўйимча маълумотни очиқлаш.*

3) уибу шакли имзолаган шахс танлов Иштирокчиси номидан уибу шакли имзолаши ваколатига эга эканлигини, бу орқали қўйидаги ҳолларда Шартномада қайд этилган мажбуриятларни ўз зинмасига олиши ва ундаги шартларга рози эканлигини, уларни инобатга олган ҳолда, лекин фақат улар билан чекланиб қолмаслигини:

- танлов Иштирокчиси томонидан атайлаб ёки ўзи билмаган холда манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги тўғрисида ёлғон маълумотлар тақдим этганлиги учун жавобгарликка тортилишини;
- танлов Иштирокчиси зиммасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлик хар қандай воеа-ходисалар ва (ёки) фактлар тўғрисида Буюртмачи раҳбариятини зудлик билан хабардор қилиш мажбурияти мавжудлигини;
- танлов Иштирокчиси харид предметидан келиб чиқкан холда З (уч) йилдан кам бўлмаган муддатда (*харидлар спецификасига мувофиқ Шартномада маҳфийликни сақлаши муддати янада кўпроқ белгиланган ҳоллар бундан мустасно*) Буюртмачига қарши учинчи шахслар манфаатлари йўлида хизмат килмаслигини;
- хар қандай асосдаги манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда, жумладан танлов Иштирокчисининг фаолияти миқиёси ёки унинг обрўсидан катъи назар, танлов Иштирокчиси жавобгарликдан бўйин товламаслигини;
- танлов Иштирокчиси томонидан Буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан манфаатлар тўқнашуви фактлари мавжуд эмаслигини ҳеч қандай шартларсиз тасдиқланишини;
- танлов Иштирокчисининг манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарап (аник зарап ва кўлдан чикарилган фойда) учун Буюртмачи олдида тўлик моддий жавобгар эканлигини;
- танлов Иштирокчисининг Буюртмачи олдида Буюртмачидан қабул қилиб олинган барча маълумотларни сир саклаш, Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш тўхтатилган ёки Шартнома бузилган ҳолларда етказилган маълумотларни кайтариш ва/ёки йўқ қилиш мажбурияти (бундай мажбурият маҳфийлик бўйича алоҳида Шартнома/келишувда кўзда тутилиши мумкин) мавжудлигини;
- танлов Иштирокчисининг вакиллиги параллел манфаатлар тўқнашувини келтириб чикарган ёки келтириб чикириши мумкин бўлган ҳолларда Буюртмачи манфаатлари йўлида харакатлар амалга оширмаслигини;
- танлов Иштирокчиси томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги, манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги тўғрисида танлов Иштирокчиси томонидан берилган кафолатлар бузилганлиги учун Шартномада кўзда тутилган жарималар шаклида жавобгарлик мавжудлигини;
- Буюртмачининг, у томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аникланганда, Буюртмачига нисбатан жарима санкциялари кўлланилмаган ва уни Шартномани муддатидан аввал бузганлиги учун хар қандай жавобгарликдан ёки заардан озод килган ва (ёки) саклаган холда, Шартномани муддатидан олдин бузиш хукуки мавжудлигини;
- танлов Иштирокчиси томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлик нотўғри маълумотлар тақдим этилган ҳолларда, Буюртмачида Шартнома мажбуриятларини бажаришни бир томонлама рад этиш ва етказилган заарни қоплашни талаб қилиш хукуки мавжудлигини;
- Буюртмачининг Ўзбекистон Республикаси конунчилигига тақиқланмаган хар қандай манбааларда, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда, танлов Иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни кузатиш ва йиғиши хукуки мавжудлигини;
- Танлов Иштирокчисининг Буюртмачи Танлов Иштирокчиси тўғрисида аник маълумотлар олиш мақсадида танлов Иштирокчиси аъзоси бўлган давлат органлари ва профессионал бирлашмаларга ёзма равишда мурожаат қилишига ва (ёки) профессионал бирлашма томонидан Буюртмачи танлов Иштирокчисининг ўз мажбуриятлари, умумқабул килинган меъёр ва қоидалар, бизнесни юритиш этикасини бузганлиги ҳолатлари тўғрисида хабар қилинишига розилигини. Танлов Иштирокчиси томонидан рад этилган ҳолатлар

хуқуқий асосланган бўлиши лозим. Рад этиш ҳолатлари хуқуқий асосланмаган, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида шубхалар мавжуд бўлган ҳолларда, Буюртмачи бундай ҳолатларни танлов Иштирокчиси томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлигининг тасдиғи ўрнида қабул қилиш хуқуқига эга эканлигини;

• Танлов Иштирокчиси ёки унинг вакилининг танлов Иштирокчиси ва ишларни бажариш/хизматлар кўрсатишга жалб қилинган танлов Иштирокчиси ишчиларининг шахсий маълумотларини йиғиш, тахлил қилиш ва улардан фойдаланишга розилигини тасдиклайди.

Рахбарнинг Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Худди шундай ишларни бажариш/хизматлар қўреатиши бўйича охирги 3 йилдаги тажриба тўғрисида маълумотлар

t/p	Лойиха номланиши	Бажарилган ишлар/кўрсатилган хизматларнинг кискача баёни	Буюртмачи	Буюртмачини нг манзили ва контакт раками	Бажарилган ишлар/кўрсатилган хизматларни етказиб берилган мамлакат	Ишлар/хизматларнинг шартномада белгиланган валютадаги нархи	Лойиха якунланган йил, агар лойиха якунланмаган бўлса, фойзларда хозирги холати ва лойихани якунлашнинг режалаштирилган йили кўрсатилсин

Рахбарнинг Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш
бўйича
Харид хужжатларига
5-илова

**Иштирокчиларининг техник ва тижорат таклифларини баҳолаш ва таққослаш
усулларини ҳамда мезонларини**

I бўлим: Иштирокчилар аризаларида талаб этилган маълумотлар:

	Рўйхат	1 иштирокчи	2 иштирокчи
		Тақдим этилган / Тақдим этилмаган	
1.	Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун танлаш хужжатида З-илова бўйича 1,2,3 ва 4 шаклларнинг мавжудлиги ва тўлик расмийлаштирилганлиги;		
2.	Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (қайта рўйхатдан ўтказилганлиги) тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома;		
3.	Энг яхши таклифни танлашда иштирок этаётган ташкилотнинг Низомидан нусхаси;		
4.	Ташкилотнинг карздорлиги мавжуд бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисида Давлат Солик қўмитасидан маълумотнома;		
5.	Инсоғиз тадбиркорлар рўйхатида бор ёки йуқлиги тўғрисида маълумот тақдим этиш;		
6.	Ташкилотни ташкил этилгани бўйича камида 1 йил бўлиши;		

Харид комиссияси баҳолаш мезонларининг I-бўлимининг исталган банди бўйича кўрсатилган хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, электрон танлов иштирокчисининг таклифини рад этишга ҳакли.

II-бўлим. Танлов иштирокчисининг техник мезонлари:

	Тавсиф	1 иштирокчи	2 иштирокчи
	Харид предмети бўйича, техник топширикка мувофиқлиги (2-илова)		

Харид комиссияси Баҳолаш мезонларининг II бўлимининг исталган бандига мос келмаган тақдирда, электрон танлов иштирокчисининг таклифини рад этишга ҳакли.

Раздел III. Тижорат таклиф баҳоси

Танловнинг I ва II бўйимларга мувофиқ малака ва техник аттестациядан ўтган иштирокчилар тижорат баҳолашига рухсат этилади.

T/p	Наименование параметра оценки	1 иштирокчи	2 иштирокчи
1.	Таклиф килинган нарх		
2.	Белгиланган балл (Энг паст нарх - энг юкори балл/энг юкори нарх - энг паст балл)		

Икки ёки ундан ортиқ маҳаллий ишлаб чикарувчиларни танлашда хорижий етказиб берувчилар билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чикарувчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 29-январдаги 41-сон карорига мувофиқ нархларда имтиёзлар қўлланилади.